

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Андижон вилоят хокимлигининг
“Андижон вилоят спортмачи хизмати”
Ч.Д.И.нинг компанияси
директори

Б.Абдурахимов

Андижон вилояти 2022 йил "Обод кишлок" ва "Обод маҳалла"
дастурлари доирасида ижтимоий соҳа объектлари (мактаб, ММТ ва
онлавий шифохоналар) қурилиши, реконструкция қилиниши ва
мукаммал таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини
тайёрлаш бўйича лойиҳа ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Андижон шаҳар- 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қием
- III. Нархлар қиеми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Андижон вилояти 2022 йил "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида ичимлик сув таъминоти тизимларини яхшилаш ишларининг учун лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танловнинг предметнинг қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Тўловлар уч босқичда амалага оширилади.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қиемда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати аване маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Андижон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. "Буюртмачи" манзили: Ўзбекистон, Андижон вилоят Андижон шаҳар Навоий 45 уй. Эл.адрес: andijonoke@mail.ru

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан кунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАЊЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Таълов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. таълов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қием, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қиеми, Таълов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Таълов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Таълов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиши ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсуе ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизмати) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюртмачисен, агар маъкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда

жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмунмоҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади